



**ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА**  
**ДИСТРЕПТАЗА**  
**(DISTREPTAZA®)**

**Препаратнинг савдо номи:** ДИСТРЕПТАЗА

**Халқаро патентланмаган номи:** streptodornase + streptokinase

**Таркиби:**

1 суппозиторий (2 г) қуйидагиларни сақлайди:

*таъсир этувчи моддалар:* стрептокиназа 15000 ХБ, стрептодорназа 1250 ХБ;

*ёрдамчи моддалар:* суяқ парафин, қаттиқ ёғ.

**Дори шакли**

Ректал суппозиторийлар.

**Таърифи**

Конус ёки “торпеда” шаклли, учи ўткир; механик шикастларсиз, оқдан қаймоқ ранглигача бўялган.

**Фармакотерапевтик гуруҳи.** Бошқа гематологик препаратлар. Фермент препаратлар.

Стрептокиназа, мажмуавий.

АТХ коди В06АА55.

**Фармакологик хусусиятлари**

*Фармакодинамикаси*

Дори препарати иккита таъсир этувчи моддаларни сақлайди: стрептокиназа ва стрептодорназа.

Стрептокиназа одам қонида сақланадиган плазминоген проэнзимининг активатори ҳисобланади, у стрептокиназа таъсири остида плазминга айланади, у қуйилиб қолган одам қонини эритиш хусусиятига эга.

Стрептодорназа фермент ҳисобланади, у тирик ҳужайраларга ва уларнинг физиологик функциясига таъсир кўрсатмай, ўлик ҳужайраларни ёки йиринг нуклеопротеинларининг ёпишқоқ массасини эритиш хусусиятига эга.

Препаратни мустақил даволаш тури сифатида, ҳамда яллиғланиш ўчоғига антибактериал ёки химиятерапевтик воситаларнинг киришини енгиллаштиришда ёрдамчи модда сифатида ҳам қўллаш мумкин.

Препарат субъектив симптоматиканинг яққоллигини камайтиришга ва даволашнинг давомийлигини сезиларли қисқартиришга ёрдам беради.

*Фармакокинетикаси*

Маълумотлар мавжуд эмас.

**Клиник маълумотлар**

**Қўлланилиши**

Кичик чаноқ аъзоларининг яллиғланиш касалликлари (КЧАЯК): тухумдонлар, фаллопий найлари, бачадоннинг инфекцияларини мажмуавий даволаш.

Кичик чаноқ аъзоларида операциядан кейинги чандиқ касаллиги.

Ўткир ва сурункали кечувчи геморрой. Кенг яллиғланиш инфилтрати бўлган тўғри ичак атрофи абцессларида мажмуавий даволашда қўлланилади.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Таъсир этувчи моддага ёки ёрдамчи моддалардан бирортасига ўта юқори сезувчанлик.

Янги яра билан қопланган жароҳатлар ёки юбориш жойида жарроҳлик чокларни мавжуд

бўлиши: дори препарати янги жароҳатга ёки янги тикилган чокка тегмаслиги керак, чунки бу чокларни бўшашишига ва оқибати сифатида жароҳатдан қон кетишига олиб келиши мумкин.

Илгари кузатилган қон кетишлар (тўхтатгандан сўнг биринчи 10 кун давомида), бунда такроран қон кетишининг юзага келишининг хавфи мавжуд.

Кальций тузларини сақловчи препаратлар билан даволаш.

Бириктирувчи тўқима касалликларини йирингли белгиларсиз ўткир кечиши.

Қоннинг ивишини бузилиши.

Қон кетишининг хавфини ошиши туфайли антикоагулянтлар (қоннинг ивиш тизимини фаоллигини пасайтирувчи препаратлар) билан даволаш мумкин эмас.

## **Дозалаш тартиби ва қўллаш усули**

### Дозалаш тартиби

*Катталар (18 ёшдан катта)*

Дозалаш яллиғланиш жараёнини жадаллик тури ва оғирлик даражасига боғлиқ.

Шифокор кўрсатмасига мувофиқ қўлланилсин.

*Оғир ҳолатларда:*

1 суппозиторийдан суткада 3 марта биринчи 3 кун давомида;

1 суппозиторийдан суткада 2 марта навбатдаги 3 кун давомида;

1 суппозиторийдан суткада 1 марта навбатдаги 3 кун давомида.

*Енгилроқ ҳолатларда:*

1 суппозиторийдан суткада 2 марта биринчи 3 кун давомида;

1 суппозиторийдан суткада 1 марта навбатдаги 4 кун давомида;

ёки

1 суппозиторийдан суткада 2 марта 2 кун давомида.

Даволашнинг ўртача курси - 8-18 суппозиторийлар.

Даволаш курсининг давомийлиги ўртача 7-10 кунни ташкил қилади.

*Болалар*

Ҳозирги кунгача болаларда препаратнинг хавфсизлиги ва самараси аниқланмаган.

*Махсус гуруҳлар*

*Кекса ёшли шахслар*

Кекса ёшли шахсларда (65 ёшдан катта) дозани мувофиқлаштириш бўйича маълумотлар мавжуд эмас.

*Жигар етишмовчилиги бўлган пациентлар*

Препарат жигарда метаболизмга учрамайди, шунинг учун жигар етишмовчилиги бўлган пациентларда дозани мувофиқлаштириш зарурияти мавжуд эмас.

*Буйрак етишмовчилиги бўлган пациентлар*

Буйрак етишмовчилиги бўлган пациентларда дозани мувофиқлаштириш зарурияти мавжуд эмас.

### Қўллаш усули

Суппозиторийни контур-уяли ўрамидан олингандан кейин тўғри ичакка чуқур киритиш керак.

## **Ножўя реакциялари**

Кам ҳолларда ( $\geq 1/10\ 000$ , бироқ  $< 1/1\ 000$ ):

Умумий бузилишлар ва юбориш жойида реакциялар: аллергия реакциялар, тана

хароратини ошиши, шунингдек қон кетишига мойиллик, маҳаллий оғриқ ва шиш кузатилиши мумкин.

**Қўллашда махсус кўрсатмалар ва эҳтиёткорлик чоралари**  
Маҳаллий таъсирланиш чақириши мумкин.

**Фертильлик, хомиладорлик ва лактация**  
Хомиладорлик вақтида қўллаш мумкин эмас.  
Эмизиш вақтида қўллаш мумкин эмас.

**Транспорт воситаларини бошқариш ва механизмлар билан ишлаш қобилиятига таъсири**  
Транспорт воситаларини бошқариш ва механизмлар билан ишлаш қобилиятига таъсир қилмайди.

**Дозани ошириб юборилиши**  
Маълумотлар мавжуд эмас.

**Бошқа дори препаратлари билан ўзаро таъсири ва ўзаро таъсирнинг бошқа турлари**  
Қон кетишининг хавфини ошиши туфайли антикоагулянтлар (қоннинг ивиш тизимини фаоллигини пасайтирувчи препаратлар) билан бир вақтда қўллаш мумкин эмас.

**Яроқлилик муддати**

3 йил.

Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддати ўтганидан сўнг қўлланмасин.

**Сақлаш шароити**

Совутгичда (2-8°C) сақлансин. Музлатилмасин.  
Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

**Ўрами**

6 суппозиторийлар контур-уяли ўрамда (ПВХ/ПЭ блистер). 1 блистердан тиббиётда қўлланишига доир йўриқнома билан бирга картон коробкада.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецепт бўйича.

**Ишлаб чиқарувчи**

«БИОМЕД-ЛЮБЛИН» Вытвурня Суровиц и Щепёнэк Спулка Акцияна  
Университетская кўч. 10, 20-029 Люблин, Польша.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили (почта манзили):**

МЧЖ «France Pharma»

Ўзбекистон, 100041, Тошкент ш., М.Улутбек тумани, Навнихол кўч., 86

Тел.: +99871 230 91 93

email: infopharmaff@gmail.com